Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 188 (5479).
20 АВГУСТ 1984й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ВЕТЕРАНЛАР РУҲАН ҚАРИМАЙДИЛАР

Тошкент ГРЭСида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада ветеранлар—Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Станцияда 23 ветеран бор. Улар фронтдан қайтиб келганларидан кейин қозончи, турбиначи, электрик сингари тинч касбларни эгалладилар. Уларнинг ҳар бири катта стажга эга бўлишига қарамай, бир вақтлар жанг қилганларидек, ҳозир ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Ёш энергетиклар ҳам уларга тенглашиб, зарбдор хотира вахтасида туриб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сменаларнинг коллективлари электр энергия бериш графигига аниқ риоя қилиш, машина-ускуналарни и н г қулай технология режими асосида ишлаши ҳисобига минг тонна шартли ёқилғи тежаш мажбуриятини олдилар. Ватан шон-шарафи ва озодлиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган кишилар учун бир кун ишлаб беришга, ишлаб топилган пулни эса Москвада қуриладиган Ғалаба ёдгорлиги фондига ўтказишга қарор қилинди.

Станция ветеранларининг кенгаши шонли юбилейга тайёргарлик тадбирларини ишлаб чиқди. Бу тадбирларда, жумладан уруш қатнашчиларининг ёшлар, оталиқдаги мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари билан учрашувларини ўтказиш кўзда тутилган.

Маҳбуба Зиёдова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўн иккн йилдан бери меҳнат қилади. У аъзо бўлган бригада коллективи йил бошида Тошкентнинг бошқа пешқадам бригадалари қатори меҳнат унумдорлигини план. дан ташқари камида 1 процентга ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,5 процент арзонлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Ҳозир бригада ўз мажбуриятларини шараф билан бажармоқда. Бунда Маҳбуба Зиёдованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Т. Каримов фотоси ва тексти.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

• Тошкент—жаҳонга

ГИДРОПРЕСС ЖЎНАТИЛДИ

БУГУН

«Госкомсельхозте х н и ка»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт механика заводи маркаси туширилган юксак сифатли гидропрессларидан бештаси Монголия Халқ Республикасига жўнатилди. Ушбу маҳсулотдан дўст мамлакатнинг саҳро ерларини ўзлаштиришда фойдаланилади.

Ҳозирги кунда корхонада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақа ҳамда москваликларнинг «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига—40 зарбдор ҳафта» ҳаракати оммавий тус олган. Завод коллективи юбилей йилида хорижий буюртмачиларга 120 та мустаҳкам гидропресс жўнатишга аҳд қилган. Ҳозир ана шу буюртма бажарилиш арафасида турибди.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Тошкент метроси иккинчи линиясининг бунёд этилаётган биринчи навбатида ишлар қизғин давом этмоқда. Шу линиянинг дастлабки беш станцияси, жумладан, «Космонавтлар проспекти» станциясида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Метросозлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини ана шу станцияларни фойдаланишга топшириш билан кутиб олишга аҳд қилишган. Ишларнинг бориши уларнинг ўз аҳдларига вафо қилишларидан далолат бермоқда. «Союзметроспецстрой» бошқармасининг С. Валеев бошлиқ бригадаси умум ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Бригада аъзоларн графикдан ўзиб меҳнат қилибгина қолмай, барча ишларни аъло сифат билан бажаришга интилишяпти.

СУРАТДА: ана шу пешқадам бригада аъзолари С. Калимуллин, И. Гратдинкин, С. Валеев ва К. Холҳўжаев бўлажак иш режаларини муҳокама қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Ҳамшаҳарлар хизматида*

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Октябрь районидаги 2-трамвай депоси коллективи аҳолининг узоғини яқин қилишда янги меҳнат зафарлари сари самарали тадбирлар белгиламоқда.

Ҳар тонг депода қизғин меҳнат бошланади. 88 та трамвай шаҳримизнинг белгиланган маршрутларида аҳоли хизматига ошқади. Бу ҳаракат составларини мустаҳкам ремонт қилишда А. Исроилов, Ш. Расулов, Н. Журавлёвлар фидокорлик кўрсатишяпти.

—Коммунистик партиямизнинг аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳақидаги ғамхўрлиги корхонамиз коллективига дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, моҳир трамвай ҳайдовчиси Насиба Абдуллаҳаева, — кейинги 4 йил ичида трамвайларнинг ҳаракати 2 миллион километрга ўсиб, ҳаракат мунтазамлиги 11 процентга кўтарилди. Йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатиш эзгу ниятида меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини ошириш энг долзарб вазифадир.

Ҳозирги кунда маршрут ва бригадалар орасида қизғин бораётган социалистик мусобақа шаҳар аҳолисининг трамвай хизматига бўлган талабини қондиришда яхши самара беряпти. Ўз касбининг моҳир усталари С. Рустамов, Х. Содиқўжаев, Р. Усмонова, А. Бердиев, Т. Марченколар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида трамвайда миллион километр йўлни хатарсиз босиб ўтиш бахтига муяссар бўладилар. Бунинг устига моҳир ҳайдовчиларнинг меҳнат календарида 1985 йилнинг март-апрель ойи бошланди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

• Илмий лабораторияларда

Ихчам ва қулай

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институти махсус конструкторлик-технолог и я бюросида завод шароитида ярим ўтказгичли буюмларни нурлантириш учун янги прибор яратилди ва у ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

— Ярим ўтказгичларнинг сифатини ошириш учун бундай нурлантирувчи приборлар жуда ҳам керак, — дейди бюро бошлиғи ўринбосари К. Н. Ирисбоев. Бундай прибор ишлаш пайтида янада қулайликни яратади, таёрланаётган маҳсулот сифатини оширади.

Илгари электрон саноати корхоналарида буюмларни нурлантиришда қўпол, ноқулай ускуналардан фойдаланилар эди. Бизнинг яратган приборларимиз эса ихчам, бир жойдан иккинчи жойга осон кўчирилади. Бундай приборлар ҳозирда Москва, Шяуляй заводларида ишлатилмоқда. Бу ҳақда Ленинградан, ҳам буюртма олдик.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Госплани раиси С. Мангал Ўзбекистонга келди. У Сирдарё областига сафар қилиб, қўриқ ерларни ўзлаштириш борасидаги ирригация ва мелиорация ишлари билан танишди.

С. Мангал Ўзбекистон ССР Министрлар Советида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ПОМИР ТОҒИ ЧЎҚҚИСИДА

Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг экспедицияси Ўзбекистон пойтахтига қайтиб келди. Тошкентлик саккиз метеоролог Помир тоғларида альпинистларни метеорология ва қор кўчиши маълумотлари билан таъминлаб турди. Экспедиция раҳбари, Ўзбекистон ССР гидрометеорология маркази катта инженери И. Н. Матиенко бундай ҳикоя қилиб берди:

— Помирда жаҳоннинг (Англия, ГДР, Италия, АҚШ, Франция, Швейцария, Япония ва бошқа) 15 мамлакатидан 295 альпинистдан иборат бўлган катта халқаро лагерь жойлашган эди. Турли группалар Ленин, «Коммунизм» ва Корженевская чўққиларига чиқдилар.

Бизнинг метеорологларимиз база лагери 3700 метр баландликда, унинг иккита филиали ундан ҳам баландда жойлашган эди. Ҳар бир ходим катта масъулият билан ишлади. Чунки, бизнинг берган маълумотларимиз сифати билан юзлаб кишиларнинг хавфсизлиги таъминланди. Бизнинг ишимиз муваффақиятли тугаганлигидан мамнунмиз.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Ўзбекистонда иш кўраётган халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари катта ва масъулиятли иш бажармоқда. Улар партиянинг жанговар ёрдамчилари бўлиб, ўзларининг бутун фаолияти билан давлат планларининг муваффақиятли бажарилишига, ресурслар ва мул маблағларини сарфлашда иқтисодий тежаш ва тежамкорликка қатъий риоя этилишига, маҳсулот сифатининг оширилишига, социалистик мулкнинг сақланишига кўмаклашмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари, Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган фикр ва мулоҳазалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида халқ контролининг вазифалари республика халқ контроли органлари активларининг 18 август куни бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуровнинг докладида, йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида кейинги вақтларда республика партия ташкилоти иш услуби ва методларини такомиллаштириш соҳасида ўтказаётган тадбирлар орасида халқ контроли органларининг фаолиятини яхшилашга муҳим ўрин берилаётганлиги уқтириб ўтилди. Бироқ уларнинг имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, деб таъкидлашди нотиқлар. Ишни текшириш, камчиликларнинг олдини олиш ва уларни тузатишнинг узвий бирлиги таъминланмади. Комитетлар, постлар ва группалар ҳали ҳамиша ҳам нуқсонларни тугатишда зарур даражада қатъият ва принципиаллик кўрсатмаяптилар, халқ контроллёрларининг касаба союз ва комсомол органлари билан мустаҳкам алоқалари ҳамма жойда ҳам йўлга қўйилган эмас. Корхоналарда, хўжалик ва ташкилотларда тузилган кўпгина постлар ва группалар ҳеч бир иш қилмаяпти, ўзларига билдирилган ишончни оқламаяпти.

Актив йиғилиши халқ контроли органларидан ўз ишини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида тубдан қайта қуришни, давлат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда, салбий ҳодисаларни тугатишда партия ва совет органларига амалий ёрдам беришни талаб қилди. Текширишларнинг сифатини ошириш, аниқланган камчиликларни тузатиш юзасидан оператив чоралар кўрилишига интилиш, контрол ишида меҳнат коллективларига, кенг активга кўпроқ таяниш зарур.

СССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири Н. А. Журавлев ўз нутқида халқ контроли органлари ишининг баъзи масалаларига тўхталди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ЁШ МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

XVI ЖАҲОН ЁШЛАР ВА ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Сентябрь ойида Ўзбекистон шаҳарларида бошланадиган мактаб ўқувчиларининг ўн етинчи Бутуниттифоқ спартакиадаси ёш спорт кўригигина эмас, катта дўстлик байрами ҳам бўлади. Мезбонлар спартакиада ёркин, қизиқарли, жозибали ўтиши тўғрисида қайғуряпмоқдалар. 22 кунга мўлжалланган мусобақалар графигида хилма-хил маданий программалар ҳам бор.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб кўрадилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида бўладилар. Ўзбекистон комсомоли тарихи, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи музейлари билан, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган бир қанча экспозициялар билан танишадилар. Партия ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, ёзувчилар шу йиллар ичида босиб ўтилган шонли йўл ҳақида гапириб берадилар.

Иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград вакиллари «Спорт, ўқиш ва меҳнат ёнма-ён», «Спортдаги муваффақиятлари м и з сенга, Ватан!» мавзуларидаги кун тартиби билан ўтказиладиган очиқ комсомол йиғилишига икки марта тўпланадилар. Болалар республика пионер ва ўқувчилар сароийда, ёшларнинг «Илҳом» клубида бўладилар, спорт қўшиқлари кечасида қатнашадилар.

Тошкентдаги ўнта район комсомол ташкилотининг ҳаммаси спорт делегацияларини оталиққа олди. Улар жумладан, иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград кунларини ўтказишда ёрдам берадилар, дўстларни меҳнат шон-шуҳрати кечаларига, давра суҳбатларига таклиф этадилар, биргалашиб пахта теримида қатнашадилар.

Заводлар, қурилишлар, институтларнинг кўпгина коллективлари ҳам турли спорт турлари бўйича командаларни оталиққа оладилар. Масалан, Тошкентдаги ёш тракторсозлари, тўқимачилари, метро қурувчилари, Самарқанд ва Чирчиқ химиклари, Наманган ипакчилари, Ангрен энергетиклари, Янгиер қурувчилари меҳмонларни кутишмоқда.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдаги актив ишлари, самолёт, парашют, авиамодель спортини ривожлантирганлиги учун ҳамда Тошкент ДОСААФ аэроклуби ташкил этилган куннинг 50 йиллиги муносабати билан парашют звеносининг командири Владимир Георгиевич **Кузьменко**, учувчилар тайёрлаш бўйича бошлиқ ўринбосари Александр Исаевич **Матузов**, самолёт звеносининг командири Алексей Алексеевич **Скиданов** ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Госплани системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилганига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги Экономика илмий-тадқиқот институтининг директори ўртоқ Павел Кононович **Савченкога** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвони берди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Республика Йўл қурилиши илмий тадқиқот институти мутахассислари муҳим проблемани ҳал этишга киришдилар. У республикамиз тоғли мураккаб шароитида автомобиль йўллари пологносини барқарор ва чидамли конструкциялар билан қоплашдир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва зилзиларга бардошли иншоотлар институти билан ҳамкорликда мураккаб шиббаланган тупроқни қўллаш тадқиқ этилмоқда. Бу усулда арматура билан таъминланган тупроқ ҳар қандай зилзиларга бардошли бўлади. Янги конструкцияни тадбиқ этиш таннархни камайтиради ва йўл қурилишини тезлаштиради, бетон ишлатишдан воз кечилади.

●

Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройида Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг яқин дўстлик муносабатларига бағишлаб «Қудратимиз дўстликда» деган кеча ташкил этилди. Унга Тошкент шаҳридаги муассасаларда меҳнат қилаётган ҳинд мутахассислари ва олий ўқув юртларида таълим олаётган студентлар таклиф этилди. Айни пайтда маданият саройи кинотеатри экранида ҳинд фильмлари фестивали ўтказилмоқда. Айниқса ўзбек кино усталари ҳинд дўстлари билан ҳамкорликда яратган «Али Бобо ва қирқ қароқчи» фильми томошабинларга манзур бўляпти.

●

ОБ-ҲАВО

● **Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 31 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 20—21, эртага кундузи 38—40 даража иссиқ бўлади.**

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики XVIII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг ўн биринчи сессияси 1984 йил 23 август куни соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг (Ш. Рашидов проспекти, 9-уй) мажлислар залида очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

СПОРТ, ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК

Москвадаги халқаро мусобақалар тантанали очилди

18 август куни Москвада В. И. Ленин номидаги Марказий стадионда Бутуниттифоқ Физкультурачилар куни ва «Дружба» мусобақаларининг тантанали очилишига бағишланган гўзал спорт-санъат байрами бўлиб ўтди.

Фахрий меҳмонлар: Совет физкультура ҳаракатининг ветеранлари, мамлакатимизнинг атоқли атлетикачилари ва уларнинг чет эллик дўстлари, донгдор меҳнатчилар, жамоатчилик вакиллари, халқаро спорт федерациялари раҳбарлари, миллий Олимпиада комитетларининг президентлари, Москвадаги бир қанча дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари минбарларда ҳозир бўлишди.

Йиғилганлар В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар, улар Марказий минбардан ўрин оладилар.

Соат 16. «Бепоёндир Ватаним менинг...» қўшиғининг музикаси стадион узра таралади. Кремль қўрантларининг бонги унга ҳамоҳанг бўлади.

Тантанали марш-парад бошланади. Унда Москва, Ленинград, қардош иттифоқдош республикалар, кўнгилли спорт жамиятларининг спортчилари қатнашдилар.

Халқаро «Дружба-84» мусобақалари ташкилот комитетининг раиси, СССР спорт комитетининг раиси М. В. Грамов Москва стартларининг қатнашчиларини самимий табриклайди, уларга спортнинг шон-шуҳрати йўлида, тинчлик йўлида юксак муваффақиятлар тилайди.

СССР гимнининг тантанали садолари остида Советлар мамлакатининг давлат байроғи кўтарилади.

Кремль ёнидаги абадий шуҳрат оловидан ёндириб олинган машъалани байрам қатнашчилари ўринларидан туриб қутиб оладилар. Ўртага сукунат чўкади, фақат метроном товуши Ватанни ҳимоя қилган, жаҳонни фашизм қуллиги даҳшатларидан омон сақлаб қолган совет жангчиларининг мангу жасорати хотирасини абадий сақловчи минглаб қалбларнинг уриши каби эшитилади.

Москва Олимпиадасининг чемпиони Виктор Маркин қўлида машъала билан чопиб кириб, шарқий минбар тепасида салобат тўкиб турган бронза баркашга яқинлашади. Ниҳоят баркашда халқ хотирасидек қайноқ ҳалол, спорт курашидек муссаффо аланга пайдо бўлади.

Стадионнинг кўм-кўк «саҳнаси»да оммавий намунали спорт томошалари бошланади. Бу томошаларни болалар спорт мактабларининг талабалари бошлаб берадилар. Ёш спортчилар бир овоздан «Бахтли болалигимиз учун жонажон мамлакатга раҳмат!» деган сўзларни қайта-қайта такрорлайдилар.

Стадиондаги ранг-баранг спектакль замонавий атлетика дунёсига хос бўлган тезлик ва жўшқинлик билан авж олиб кетади.

Шарқий минбар узра кўп метрли «Спорт — тинчлик элчиси» транспаранти кўтарилади. Айни вақтда спортчилар майдонда тўрт табаррук ҳарф — СССРни ҳосил қиладилар. Уларнинг сафлари бир лаҳзада қайта қурилиши билан ҳаммага азиз «Мир» (Тинчлик) сўзи пайдо бўлади. Бу тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Коржомадаги йигит ва қизлар жуда чиройли ва нозик, ҳар биримизнинг ғамхўрлигимизга муҳтож бўлган кўм-кўк ер шарини эҳтиёт қилиб кафтларида кўтарадилар.

Александра Пахмутова билан Николай Добронравовнинг «Вақт ғанимат» қўшиғидаги жўшқин сатрлар стадион узра ҳушёрликка чорловчи бонг бўлиб янграйди.

Стадион бўйлаб «Яшасин қуёшли дунё» деган даъват янграйди, байрамнинг ҳар бир қатнашчиси зўр ишонч билан шу даъватга қўшилиб:

— Яшасин! Яшасин! Яшасин! — деб хитоб қилади.

— Йўқолсин ядро портлаши! — деган ташвишли сигналга жавобан минглаб кишилар:

— Йўқолсин! Йўқолсин! Йўқолсин! — деб талаб қиладилар.

Стадионга тўпланган кишилар бир овоздан «Спорт, тинчлик, дўстлик!» — деб қайта-қайта такрорлайдилар. Бу сўзлар «Дружба» халқаро мусобақаларининг шиорига эмас, совет кишиларининг Олимпиада ҳаракати порлоқ идеалларига садоқатининг ифодасидир.

В. БЕЗБРЕЖНИЙ,
В. ЖАЛАГОНИЯ,
В. КУКУШКИН,
ТАСС мухбирлари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: *ҳисобот ва сайловлар*

ИШГА ХОЛИСОНА БАҲО БЕРИЛДИ

Чинни заводи коллективининг буюмларнинг турлари бўйича планни қандай бажараётганлигини билиш учун ҳисобот бланкаларига қарашнинг кераги йўқ. Магазин пештахталарига бир назар солинса кифоя. Хўш, бугунги кунда харидорларга нималар тақдим этиляпти? Асосан, пиёлалар, ондасонда косалар ҳам учраб туради. Чойнаклар эса мутлақо йўқ.

Коллектив фақат ярим йилнинг ўзидагина давлатга 41 минг дона чойнакни кам етказиб берганидан кейин магазинда чойнак нима қилсин? Тўғри, июль ойида бу рақамни 6 мингга камайтиришга муваффақ бўлинди. Лекин барибир чиннисозлар харидорлар олдида қарздор бўлиб қолишяпти-ку.

Хўш, бу қолоқликнинг сабаби нимада? Бунга қандай қилиб барҳам бериш керак? Қолиплаш цехи коммунистлари ўзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шу масалаларни муҳокама қилдилар.

Қолиплаш цехи бутун ишлаб чиқаришнинг дебочасидир. Худди шу ерда бутун коллектив иш мароми қандай боришига таъсир кўрсатилади. Планлар шу ерда туғилади, маҳсулот сифати учун кураш шу ердан бошланади. Ҳар бир нуқсон албатта бошқа участкалардаги ишларга салбий таъсир этмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам қолиплаш цехи коллективига талаб каттароқ қўйилади.

Қолоқлик сабабини билиш учун бутун корхонанинг ишини таҳлил этиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Барча нуқсонлар ҳақида коммунистлар ўз сўзларида рўй-рост гапиришди. Сабабларни очиб ташлашди. Илғор коллективлар тажрибасини қўллаш учун қолипловчилар узоққа боришмаса ҳам бўлади. Шу цехда меҳнатни оқилона ташкил этган бригадалар бор. Июль ойи якунлари шуни кўрсатдики, агар меҳнат коллективи, маъмурият, завод партия комитети бир ёқадан бош чиқариб ишласа, ҳар қандай масалаларни ҳал эта оладилар. Беш йилликнинг тўртинчи йили социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун, яъни йиллик планни 25 декабрда адо этиш учун коллективга бирон янгиликни жорий этишнинг ҳожати йўқ. Ўша майдонларда, ўша дастгоҳларда, ўша кадрлар билан топшириқни бемалол бажариш мумкин. Аммо бунинг учун ҳар бир ишчининг, айниқса коммунистларнинг масъулиятини ошириш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари шуни талаб этади.

Нуқсоннинг бош сабаби дастгоҳлар ишидаги узилишлардадир. Афсуски, дастгоҳларни профилактик ва капитал ремонт қилиш графигига риоя қилинмаяпти. Мабодо, улар ремонт қилинганда ҳам сифатсиз бўлмоқда. Бу йил чойнак ишлаб чиқариш янги линияси ва бошқалар фойдаланишга топширилди. Лекин янги дастгоҳларни жорий этган билан ҳамма гап ундан қандай фойдаланишда қолган. Завод партия комитетининг секретари Ш. Пўлатов қолоқликнинг сабабларидан бири чойнаклар тайёрлаш линияси ўз вақтида ўзлаштирилмаганлиги, аниқ ишлаш таъминланмаганлигида, деб айтди. Ахир, дастгоҳларга коммунистлар ҳам масъулиятли-ку. Шахсан Х. Эшмуродов, А. Одилов, Г. Коганлар бу борада нима қилишди?

Коммунистлардан, катта мастерлар А. Усмонова ва Р. Зубаировалар ўз сўзларида яна бир долзарб масалани кўтаришди. Мастерлар ҳам, бригадирлар ҳам сменани бир-бирларига топширмаётирлар. Масалан, пиёла ва косалар тайёрлаш линиясига хизмат қилувчи бригадалар ўзаро муносабатни асло йўлга қўёлмаяптилар. Ҳолбуки, улар бир-бирларига сифатсиз буюмлар беришдан ор қилмаётирлар. Чети учган, қирраси дарз кетган буюмлар тайёрлашяпти. Ҳолбуки қолипловчилар бундай буюмлар қайта ишлашга қўйилмаслигини яхши биладилар. Бу турган-битгани брак. Ана шундай бригадаларда коммунистлардан М. Ғуломова, Г. Исроилова, А. Муротовлар ҳам ишлашади. Кўриниб турибдики улар ҳамкасбларига бундай қилмаслик кераклигини тушунтиришмаган. Четда томошабин бўлиб туришаверишган.

Цехда коллективнинг 90 процентини ёшлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги мактаб партасидан тўғри шу ерга келишган. Комсомол ташкилоти ҳисобида 170 киши бор. Улар ёшларга қандай таъсир кўрсатишаяпти? Касб маҳоратини ошириш, ёшларда актив ҳаётий позицияни шакллантириш учун нималар қиляпти? Ҳисобот-сайлов партия йиғилишида цех комсомол ташкилотининг секретари М. Ғуломова ҳам, партия бюросининг секретари Р. Зубанрова ҳам шуни тан олишдики, комсомол ташкилоти жанговар эмас, коммунистлар эса комсомол-ёшларга етакчи бўлишда ёрдам беришмаяпти.

Цех касаба союз ташкилоти ҳам ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, ишчиларнинг меҳнат шароитини, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини яхшилаш сингари масалаларга етарлича эътибор бермади. Халқ контроли пости ҳам суст ишлади. Унга коммунист З. Қўчқоров етакчилик қиляпти. Ҳисобот даврида назоратчилар бир неча марта рейд ўтказган бўлсалар ҳам, масалаларни ўз вақтида ҳал этмадилар, охиригача принципиал ва изчил бўлмадилар.

Бу ерда технологик интизомга риоя қилиш паст аҳволда. Цех бўйлаб борар экансиз, уюм-уюм синиқлар кишини ҳайрон қолдиради. Пиёлалар бутун туркуми билан брак қилинар экан. Жуда катта яшикларда брак қилинган пиёлалар уюб ташланган. Хўш, бунинг сабаби нимада? Цех технологи Т. Пўлатова партия ҳисобот-сайлов йиғилишида бу ҳақда жон куйдириб гапирди. Сабаби шундаки, технологияга риоя қилинмайди, масъулиятсизлик оқибати бу. Агар ҳар бир киши ўз зиммасига юклатилган вазифани виждонан бажарганда эди, сифатга эътирозлар бўлмас эди, — дейди Т. Пўлатова.

Қолипловчилар оқилона хўжалик юритишмаяпти. Коммунистларнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, цехда чинни тайёрланадиган қоришмалар ортиқча сарфланади. Маҳсулотлар қайтариб юборилганда-чи? Ҳазилакам ортиқча сарф бўляптими? Ҳатто шундай гаплар ҳам бўлди: чиннини пиширгандан кейингина бракка чиққан буюмни брак дейиш мумкин эмиш, қолиплашдан кейинги бракни эса тўғрилаш мумкин, яъни у қайта ишланар эмиш. Хўш, бу «қайта ишлаш»га қанча электр энергия, иш вақти сарфланади? Тўғри, бракни тузатиш мумкин, лекин бугун вазифа бошқача қўйиляпти-ку. Гап биринчи тақдим этишдаёқ сифатли маҳсулот бериш ҳақида боряпти-ку.

Қолиплаш цехининг коммунистлари ҳисобот даврида қилинган иш якунларига холисона ёндошдилар. Улар партия ташкилоти — цехда ҳар ўн ишчидан бири КПСС аъзосидир — меҳнат коллективининг ишига ҳал қилувчи таъсир кўрсата олмаганини таъкидладилар. Баъзи коммунистлар эса бошқаларга намуна бўлишолмаяпти. Партиявий топшириқларни етарлича бажаришолмаяпти. Йиғилиш қарорида илғор тажрибаларни ёйиш, мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, жамоат ташкилотлари ва коммунистларнинг активлигини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Партия йиғилишида айтилган сўзлар беиз ўтмайди, деб ўйлаймиз. Ҳар бир коммунист йиғилиш белгилаган режаларни амалга оширишга ўзининг шахсий ҳиссасини қўшмоғи керак. Қолипловчилар харидорлар олдида қарздор бўлиб қолишмайди, албатта.

Н. КОРЧАГИНА,
штатсиз мухбиримиз.

СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАР ВА ЛЕКТОРЛАРГА ЁРДАМ

ШАҲАРДА НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ ЎРНАТИШ—ҲАР БИР ТОШКЕНТЛИКНИНГ ИШИДИР

Мамлакатимизда КПСС-нинг программ талабларига, унинг съездлари қарорларига ва Совет Конституцияси моддаларига мувофиқ қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган изчил йўл олиб боріляпти. Партия ва давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг, барча гражданларнинг совет жамоат тартибини янада мустаҳкамлашга, халқни коммунистик руҳда тарбиялашни ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилган иш олиб бориши бу йўлнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу йўл КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларида ўзининг конкрет ифодасини топди.

Бугунги кунда партиянинг асосий куч-ғайрати экономикани интенсив ривожлантириш проблемаларини фаол ҳал этишга ва шу асосда совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумида таъкидлаб ўтганидек, бу шароитларда партия хўжалик механизмининг барча звеноларида энг юксак уюшқоқликка, ишда масъулият ва фаолликни оширишга, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ва ижодини янада ривожлантиришга, уларнинг жамоат ҳаётида актив иштирок этишига эришмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бизни айнан шу муҳим вазифаларни ҳал этишга даъват этади. Пленум қарорлари республиканинг ҳар бир коммунисти, ҳар бир меҳнатчиси қалби ва онгига етиб борди. Уларда мавжуд нуқсон ва хатоларга қарши ҳужумкор, муросасиз кураш олиб бориш туйғусини уйғотди.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми, республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини амалга ошира бориб, Тошкент меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар.

Коммунистлар, ишчилар синфи ва интеллегенция фидокорона, юксак унумли, коммунистик меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. Улар орасида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси М. Туропов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. Губина, 6-қурилиш тресті бригадири С. Котов, 5-таксопарк ҳайдовчилар бригадири М. Шангареев, кинорежиссёр Ш. Аббосов, геология ҳамда нефть ва газ конлари қидирув институтининг директори А. Акромхўжаев ва бошқа кўплаб кишилар бор.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида таъкидлаб ўтилганидек, республика халқ хўжалиги ва маданий қурилишда эришилган муваффақиятлар билан бирга жиддий нуқсонлар мавжуд. Биринчи ярим йилликда эришилган муваффақиятларни талабчанлик билан баҳолаб шуни таъкидлаш кераки, бу натижалар бундан ҳам салмоқлироқ бўлиши мумкин эди.

Республиканинг иқтисодий ва социал ривожлантиришда баъзи нуқсонлар бор. Беш йилликнинг ўтган йилларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 21,5 процент ошгани ҳолда саноат ишлаб чиқариш ҳажми бор-йўғи 16,3 процент ошди, холос. Шу билан бирга ўнинчи беш йилликнинг кейинги уч йилига таққосланганда фонд билан қуролланганлик ўсишининг ҳар бир проценти ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ўсиши бу даврда салкам 2,5 марта камайиб кетди.

Айниқса, Акмал Икромов, Киров, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Собир Раҳимов районларида бу кўрсаткичлар кўнгилдагидек эмас.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг VI пленумида таъкидлангандек, шаҳар халқ хўжалигида интизомни бузиш, етарлича уюшқоқлик ва тартиб йўқлиги туфайли катта йўқотишлар бўлди.

Фақат 1983 йилнинг ўзидагина прогуллар, бўш туриб қолиш ва маъмурият рухсати билан ишга чиқмаслик туфайли иш вақтини йўқотишлар эвазига 24 миллион сўмдан зиёд зарар кўрилди.

Ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик билан шуғулланган, совет қонунларини, социалиотик турмуш ва партиявий ахлоқ нормаларини бузган айрим раҳбарларнинг нохуш хатти-ҳаракатлари очиб ташланди. Бунинг социал хавфи ишни фақат силлиқ қилиб кўрсатишдагина эмас, яна шундаки, у жиддий иқтисодий ва маънавий зарар етказади. Алдаш, нопоклик эса талон-тарож қилиш, социалистик мулкни ўғирлаш сингари зарарли кўринишларнинг ниш уришига қулай шароит яратиб беради.

Қурилишларда кўплаб давлат мулки, материал ва буюмлари ўғирланмоқда. Хўжасизлик оқибатида фақат «Главташкентстрой»нинг 10 та трестида 1983 йилда 11 миллион сўмлик зарар кўрилди. «Ташпромстрой» бўйича эса 2,7 миллион сўмлик зарар кўрилди.

Бу нуқсонларнинг кўпчилиги идеологик, оммавий-сиёсий ишлардаги камчиликлар билан боғлиқдир. Яъни ҳайбаракаллачилик, ўз-ўзини мақташ ҳолларига барҳам берилган эмас. Унинг ҳужумкорлиги ва таъсирчанлиги етарлича самарали бўлмаётир. Меҳнат коллективларининг тарбиявий имкониятларидан тўла фойдаланилмаётир.

Шу муносабат билан шаҳар, район партия комитетлари ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ишларининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган чоралар кўришяпти. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига совет ҳуқуқларига риоя қилинишини назорат қилиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва уни бузиш ҳолларида санкция қўллаш юзасидан махсус функциялар юклатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолиятини янада координация қилиш ишлари олиб боріляпти. Масалан, шу йилнинг май ойидан бошлаб шаҳарнинг барча районларида прокуратура, суд, ички ишлар органлари ходимларидан иборат комплекс группалар ташкил этилди. Улар ижроия комитетларнинг депутатлари, ЖЭКларнинг вакиллари, маҳалла комитетлари билан биргаликда турар жойлар ва меҳнат коллективларида аниқ мақсадга қаратилган профилактик ишлар олиб боришяпти.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пленуми шаҳар ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига партия ташкилотларига таяниб, янада активроқ иш олиб бориш, жамоатчилик кучидан фойдаланиш, бу ишни кенгайтириш, унда меҳнат коллективларининг ролини ошириш вазифасини юклади.

Шуни ҳисобга олиш кераки, партия, давлат органлари жиноятчиликка қарши курашни кучайтирар эканлар, демак бу фавқулодда бир вазият тақозоси бўлмай, балки совет кишиларининг жамиятга зид ҳар қандай кўринишларга қарши муросасизлиги тобора кучайиб бораётгани билан, партия ва халқнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш даврида янги, тобора юксак талаблар қўяётгани билан изоҳланади.

Мана, бешинчи йилдирки, шаҳар меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорини, XXII шаҳар партия конференцияси қарорларини бажара бориб, Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун изчил курашмоқдалар.

«Уюшқоқлик ҳақидаги, тартиб тўғрисидаги масала,— деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг февраль (1984 йил) Пленумида,—биз учун энг муҳим, принципиал масаладир... Ҳар қандай ландовурлик, масъулиятсизлик жамият учун моддий зараргина келтириб қолмайди. Ландовурлик ва масъулиятсизлик жиддий социал, маънавий зиён етказади».

Комплекс тадбирлар қабул қилингани, шу жумладан меҳнат коллективларининг тарбиявий роли ошгани ва жамоат актив иштирок этаётгани туфайли ижобий натижаларга эришилди. Жиноятчилик, прогул, кўпгина корхоналарда меҳнат интизомини бузиш ҳоллари камайди. Бу иш муттасил такомиллаштиришни талаб этади. Коллективнинг инсонга таъсири асосий йўналишини энг аввало, меҳнат унинг мазмуни ташкил этишини ҳисобга олиш керак. Айни вақтнинг ўзида бу коллективда қарор топган принциплар, ўзаро талабчанлик, кўпчилик фикрини уйғотиш, шунингдек ғоявий-тарбиявий ишларни аниқ мақсадга йўналтириш орқали амалга оширилади.

Шаҳарда кейинги вақтларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг намунали корхона, маҳалла, уй бошқармаси, намунали микрорайон учун социалистик мусобақа сингари форма ва методлари жорий этилди. Бу кўп жиҳатдан шунга ёрдам бердики, шу йилнинг биринчи ярмида кўпгина меҳнат коллективларида биронта ҳам жиноят содир бўлмади. Ҳозир пойтахт корхоналари, ташкилот ва муассасаларида профилактика советлари ишлаб турибди.

Уларнинг кўплари тарбиявий иш олиб боришяпти. Бунда тартибни бузувчиларга қарши — ишчи йиғилишларида муҳокама қилиш, бундай кишиларни мукофотлардан, ўн учинчи маошдан, квартирага навбатдан маҳрум қилиш сингари таъсир чораларидан кенг фойдаланишяпти. Тартибни бузишга мойил шахслар билан пухта ўйланган индивидуал-профилактик иш олиб бориш натижасида тартиб бузувчилар сони айниқса корхоналарда камайди. Чунки уларда изчил, қатъий ва аниқ мақсадга қаратилган иш олиб боріляпти.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам иш ана шундай ташкил этилган, деб бўлмайди. Бу ишда касаба союз ва комсомол ташкилотлари етарлича иштирок этмаяпти.

Баъзи корхоналарда эса ишчи-хизматчиларнинг иш ва турмуш шароитларини ўрганиш масалаларига эътибор берилмаяпти, ахлоқий нормалардан чекинаётганлар қаттиқ муҳокама этилмаяпти, уларга муросасизлик вазияти яратилмаган, меҳнат коллективларига Қонун яратиб берган ваколатлардан социалистик мулкни сақлашни таъминлаш, хўжасизликка, давлат интизомини бузишларга қарши курашда етарлича фойдаланилмаяпти.

Меҳнаткашларни тарбиялашда коллективнинг ролини муттасил ошира бориш керак. Ўртоқ К. У. Черненко Москванинг «Серп и Молот» металлургия заводи ишчилари билан учрашув чоғида таъкидлаб ўтганидек, бунда кадр ишчиларга, ишлаб чиқаришнинг энг обрўли кишиларига таянмоқ керак. Чунки улар фақат ҳақиқий бой тажрибага эга меҳнатчилар бўлиб қолмай, балки тарбиячи ҳамдирлар.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашда кўнгилли халқ дружиналари ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим роль ўйнаши керак. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда жамоатчиликнинг иштирок этиши бу қонуний жараён бўлиб, давлатимизнинг демократик моҳиятини, умумхалқ ҳуқуқини ривожлантиришнинг диалектикасини ўзида акс эттиради.

Тошкентда 1096 та дружина ташкил этилган. Улар ўз сафларига 100 мингдан зиёд дружиначиларни бирлаштирган. Шундан 14,8 проценти коммунистлар, 45,3 проценти эса комсомоллардир.

Жамоат тартибини сақлашда оператив комсомол отрядлари катта роль ўйнамоқда. Улар ўз сафларига 5 мингдан зиёд комсомолни бирлаштирган. «Тошкент трактор заводи», Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, 1-уйсозлик комбинати, чинни заводи, 1-авторемонт заводи, «Оргтехстрой» тресты, ТошМИ ва бошқа ташкилотларнинг кўнгилли халқ дружиналари жамоат тартибини сақлашда актив иштирок этмоқда.

Шу билан бирга баъзи халқ дружиналари ва шаҳардаги жамоат ташкилотлари иши юзаки йўлга қўйилган бўлиб, партиямизнинг ҳозирги юксак талабларига жавоб бермайди. Бу — Ленин районидаги электрон-техника заводи. «Средазэлектроаппарат», «Техсложбитприбор» бирлашмалари, Киров районидаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Ж. Обидова номидаги тамаки фабрикаси, Фрунзе районидаги темир-бетон буюмлари заводи, кийимларни химиявий усулда тозалаш фабрикаси, Чилонзор районидаги «Ташметрострой» трестининг кўнгилли халқ дружиналарига тааллуқлидир. Уларда кўпгина дружиначилар фақат қоғоздагина бор, холос. Ҳатто кўнгилли халқ дружиналари сафида бўлмаган ходимларни ҳам жамоат тартибини сақлашга юбориш ҳоллари содир бўляпти, дружиначилар ўртасида ўқув ва инструктаж ташкил этилмаган.

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш вазифаси мураккаб, айни пайтда муҳим ва масъулиятли вазифадир. Бу ишни ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва жамоат ташкилотлари ишларини бирбири билан узвий координация қилиш билангина бажариш мумкин. Ишчидан тортиб раҳбаргача ҳаммамиз учун зарур бўлган бу ишдан четда турмаслик керак. Фақат шундагина бюрократизмга, порахўрликка, безориликка — яхши яшаш ва ишлашимизга халақит бераётган барча нарсаларга қарши ҳақиқий зарба беришимиз мумкин.

Бунда кўп нарса меҳнат коллективларига боғлиқ бўлади. Яъни уларда маънавий-психологик вазият қандайлигига боғлиқдир. Шуниси сир эмаски, муассасаларда камёб молларни олиб сотиш билан шуғулланадиганлар учраб турибди. Яна шундай ҳоллар ҳам учраяптики, кўчаларда, жамоат транспортидаги безорилик ҳолларига баъзи кишилар лоқайд қарамоқдалар. Оилада ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлаётган, жамоат тартибини бузаётган, лекин кўни-қўшнилари томонидан зарбага учрамаётган кишилар ҳам оз эмас.

Биронта ҳам ана шундай ҳоллар жазосиз қолмаслиги керак. Фақат шундагина биз жамиятга зид ҳар қандай кўринишларга қарши муваффақиятли кураш олиб боришимиз мумкин. Бу курашга шаҳримизда истиқомат қилаётган ҳар бир кишини жалб этишимиз керак.

Намунали жамоат тартибини сақлашда актив иштирок этиш республика пойтахтида истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг, ҳар бир меҳнат коллективининг иши бўлмоғи керак.

• БИЗ—ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

ЖАНГЛАРДА СИНАЛГАН ДЎСТЛИК

20-йилларнинг охирларида капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви қитъамиздаги, шу жумладан Узоқ Шарқдаги халқаро вазиятнинг жиддий кескинлашишига олиб келди. Япония милитаристик доираларининг агрессив хатти-ҳаракатлари кучайди. Улар бутун Осиёни босиб олиш босқинчилик сиёсати планини ишлаб чиқа бошладилар.

1931 йилда Маньчжурияни босиб олгандан кейин Япония ҳарбийлари МХРга кириш учун кенг миқёсда тайёргарлик кўра бошладилар. Улар суверен Монголиянинг мустақиллигини поймол қилиш ниятида қуролли ҳужум билан уни босиб олишга очиқ тайёргарлик кўра бошладилар. 1935—1936 йилларда японлик босқинчилар МХРнинг шарқий чегараларида бир неча қуролли қўпорувчилик уюштиришди. Лекин улар ўз вақтида бостирилди.

Ўша даврдаёқ Совет ҳукуматининг Япония Монголия Халқ Республикасига ҳужум қилса, унинг мустақиллигига таҳдид солса Совет Иттифоқи худди 1921 йилдаги сингари Монголия Халқ Республикасига ёрдам беришга тайёрдир, деган баёноти бутун дунё бўйлаб тарқалди. Шунга қарамасдан, яъни МХР ва СССРнинг чегарадаги жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган уринишларга қарши ўлароқ, Японияниниг милитаристик доиралари МХР чегараларидаги қўпорувчилик ҳаракатларини кучайтириб юбордилар.

Ана шундай шароитда 1936 йилнинг 12 мартида Улан-Баторда МХР ва СССР ҳукуматлари ўн йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам ҳақидаги протоколга қўл қўйишди. Ҳужжатнинг моҳияти фақат икки давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш билан чегараланмас эди. Бу ҳужжат Марказий Осиёда ўз агрессив сиёсатини кучайтиришга ҳаракат қилаётган японлик босқинчиларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйди.

1938 йилда Ҳасан кўлида бўлган жангларда Совет Армиясидан қақшатқич зарба олган Япония Квантун армиясининг қўмондонлиги янги қўпорувчилик ишларига тайёргарлик кўра бошлади.

1939 йилда қитъада тинчлик учун жиддий хавф вужудга келди. Гитлерчилар Германияси бошчилигидаги агрессив давлатларнинг ҳарбий блоки иккинчи жаҳон урушини тайёрлашга бевосита тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. 1939 йилнинг феврал—март ойларида МХР чегарасида японлик самурайлар чегарачиларимизга 30 мартага яқин ҳужум уюштиришди. 1939 йилда МХР чегараларида юз берган воқеалар ҳақидаги қўшимча маълумотлар орадан кўп йиллар ўтганидан кейин маълум бўлди. Халхин-Гол районида катта кучлар ёрдамида, шу жумладан танк ва авиация ёрдамида қўпорувчиликка тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида огоҳлантириш бир неча ҳафта олдин совет разведкачиси Рихард Зоргедан Токиодан олинган эди.

1936 йилдаги протоколга мувофиқ Совет ҳукумати можаро районига Қизил Армия қисмларини тўплаш ҳақида кўрсатма берди. Квантун армияси қўмондонлиги июль ойининг бошларида МХР чегараларида жуда кўп кучларни тўплашга муваффақ бўлди. Куч жиҳатидан устунликка эга бўлган Япония қўмондонлиги ғалабанинг яқинлигига ишонар эди. У ҳатто, бўлажак жанг районига чет мамлакатлар мухбирлари ва ҳарбий атташеларини, шу жумладан гитлерчилар Германияси ва фашистлар Италиясининг вакилларини ҳам таклиф этган эди.

Июль ойининг бошларида Баян—Цаган тоғида қарама-қарши жанг бошланди. У уч кечакундуз давом этди. Бу жангда ҳар икки томондан 400 га яқин танк ва зирҳли машина, 300 дан зиёд замбарак ва бир неча юз самолёт иштирок этди. Жанг вақтида душман деярли барча танкидан, артиллериясининг кўп қисмидан, самолёт ва 10 минг кишига яқин жангчисидан маҳрум бўлди.

20 августда Совет — Монголия қўшинлари ҳужумга ўтдилар. 31 августда МХР территорияси душманлардан бутунлай тозаланди. Душман 600 га яқин самолётини йўқотди. Умуман май ойидан сентябрь ойигача Япония қўшинлари йўқотган жонли куч: ўлганлар, жароҳатланганлар ва асирга тушганлар билан 61 мингга яқин кишини ташкил этди.

Ҳалокатга учраётганлигини сезган Япония Совет ҳукуматига ярашишни таклиф этди. 16 сентябрда ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди. 1939 йилнинг май ойидан сентябрь ойига қадар Халхин-Гол дарёси районида бўлган беомон жанглар Совет—Монгол қўшинларининг Япония милитаристик қўшинлари устидан тўла ғалабаси билан якунланди.

Япониянинг мағлубияти унинг ҳукуматининг ташқи сиёсатига жиддий таъсир кўрсатди ва иккинчи жаҳон урушида СССР ва МХРга қарши чиқишдан сақлаб қолди.

Совет—Монгол қўшинларида юксак маънавий-сиёсий руҳ ҳукмрон эди. Г. К. Жуков қўмондонлигидаги совет қўшинлари халоскорлик миссиясини, интернационал бурчини бажариш ниятида Монголия учун бўлган жангларда иштирок этди.

Монголия Халқ Республикаси озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган жангларда Совет Армиясининг жангчилари беқиёс қаҳрамонлик, оммавий жасурлик ва матонат намунасини кўрсатдилар. Совет жангчилари ва командирларининг жанговар хизматлари юксак тақдирланди. 70 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Учувчилардан С. И. Грицевец, Г. П. Кравченко, Я. В. Смушкевич иккинчи марта ана шундай юксак унвонга сазовор бўлдилар. Юзлаб совет жангчилари МХР орден ва медаллари билан тақдирландилар, уларнинг айримларига МХР Қаҳрамони унвони берилди.

Маршал Х. Чойбалсан раҳбарлигидаги Монголия қуролли кучлари ҳам она Ватан учун қаҳрамонона жанг қилдилар. Уларнинг кўплари МХР ва СССР орден ва медаллари билан мукофотланганлар. Алоҳида намуна кўрсатган 12 кишига МХР Қаҳрамони унвони берилган. Халхин-Гол дарёси районидаги ҳарбий ҳаракатлар ўша вақтда совет ҳарбий техникасининг жанговар сифати юқори эканлиги, шонли партияларимиз ва халқларимизнинг дўстлик алоқалари мустаҳкам эканлигини намойиш этди.

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг қарорига биноан монгол халқи совет дўстлари билан Халхин—Гол дарёси районида шонли совет ва монгол қўшинларининг Япония агрессорларини тор-мор этганлигининг 45 йиллигини тантанали нишонламоқда.

1984 йилнинг феврал ойида партияларимиз ва мамлакатларимизнинг раҳбарлари ўртоқ Ю. Цеденбал ва К. У. Черненконинг Москвада бўлган ўртоқлик учрашуви партия ва давлатларимизнинг бундан кейин ҳам дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ижтимоий жамиятнинг барча соҳаларида, шунингдек, халқаро майдонда ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни ҳар томонлама ривожлантиришга интилаётганлигини намойиш этди.

Халхин-Голдаги шонли ғалаба монгол ва совет халқларининг дўстлиги ва қардошлиги солномасида муҳим воқеа бўлиб қолди. У империалистик босқинчилар учун жиддий сабоқ бўлиб қолди.

П. ДЭЧИН,
Монголия Халқ Республикасининг Тошкент шаҳридаги бош консули.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

САЛМОҚЛИ ҲИССА

БРАТИСЛАВА. Словакия Фанлар академиясининг тадқиқот ташкилотлари Социалистик Иқтисодий Интеграция комплекс программасига мувофиқ Чехословакия—Совет илмий алоқаларини ривожлантиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Словакия Фанлар академиясининг еттита ихтисослаштирилган институти билан Дубнадаги ядро тадқиқотлари бирлашган маркази ўртасидаги кўп йиллик самарали ҳамкорлик бунинг намуналаридан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Словакия олимлари ҳамкорлик программасига мувофиқ юксак энергиялар физикаси, ядро физикаси ва ғоят чидамли материаллар физикаси соҳасида тадқиқотлар ўтказиш учун экспериментал установкалар ишлаб чиқиш ва яратиш устида иш олиб бормоқдалар, шунингдек электрон-ҳисоб машиналарининг физика экспериментларини автоматлаштириш учун асбоб-ускуналар яратиш устида ишламоқдалар.

ГФР. Штутгартда, АҚШ элчихонаси биноси олдида урушга қарши намойиш бўлиб ўтди. У Япониянинг Хиросима шаҳрига Америка Қўшма Штатлари атом бомбаси ташлаганлигининг 39 йиллигига бағишланди. Намойиш қатнашчилари ядро қуролини қоралардилар.
СУРАТДА: намойиш чоғида.

АП—ТАСС телефотоси.

Америкалик индеецларнинг гражданлик ҳуқуқи учун мард курашчи Леонард Пелтиернинг ҳаётига Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари жиддий хавф солмоқдалар.

СУРАТДА: Леонард Пелтиер қамоқхона касалхонасида.

Е. Менкес фотоси, (ТАСС).



АВГУСТ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми тўғрисидаги информацион билдириш ҳамда СССР Ёзувчилар союзининг 50 йиллигига бағишланган материаллар билан очилади.

Отаёрнинг устоз Миртемир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги «Мен қуёшни кўргали келдим» номли эссеси, М. Мансуровнинг «Мангу жанг» романи, Б. Пармузиннинг «Жон аччиғидаги найранглар» повести, А. Иброҳимовнинг «Чакана савдо» пьесаси, И. Сулаймоннинг «Авлодлар» қиссаси ҳам ана шу сондан ўрин олган.

Шеърият ихлосмандлари О. Ҳожиеванинг «Бизга ёдгор бу дунё», М. Солиҳнинг «Мен унинг номидан сўрайман узр» туркум шеърлари билан танишадилар.

Шунингдек, журналнинг «Публицист минбари», «Замондошларимиз», «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги», «Диллардан-дилларга», «Адабий танқид», «Болалар дунёси» ва бошқа бўлимларида ҳам хилма-хил, қизиқарли материаллар бор.

СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Комил ЯШИН

СЪЕЗДДА ЁҚИЛГАН МАШЪАЛ

СССР Ёзувчилар союзининг 1934 йил августда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Биринчи съезди ҳам 30-йиллардаги улуғвор ҳодисалардан бири ҳисобланади. Буюк санъаткор А. М. Горький раислигида ўз ишини муваффақиятли якунлаган бу йирик анжуман совет адабиётининг тараққиётида жуда катта роль ўйнагани ҳаммамизга маълум.

Мазкур съездда қатнашиш учун ҳал қилувчи овозга молик 10 делегат ўзбекистонлик ижодкорлардан вакил қилиб сайланган эди. Мен мазкур съездда ғойибона правление аъзолигига сайланганимдан фахрланиб юраман. Забардаст шоиримиз Ғайратий эса съездда ревизия комиссияси аъзолигига сайланган эди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг шу вақтдаги раиси Раҳмат Мажидий президиум аъзолари составига сайланганди.

Съезд материалларини катта ҳаяжон билан ўқиб чиққаним ҳамон ёдимда. Унга СССРда яшовчи 52 миллат адабиётининг вакиллари қатнашганини билиб, қалбим ифтихор ҳисларига тўлди. Чиндан ҳам совет ёзувчиларининг бу улкан йиғини халқлар дўстлиги байрами, қардошлик байрамига айланган эди. Съезд минбаридан туриб К. Федин бу ҳақда «съезд фақатгина совет ёзувчиларининг съезди эмас, у совет халқларининг съездидир», — деб айтган эди.

А. М. Горькийнинг съездда сўзлаган бой ва мазмундор, ёркин нутқларини ўқиганимда ҳам катта таассурот олдим. Атоқли адиб совет адабиётининг мақсади ва вазифалари ҳақида лўнда, аниқ гаплар айтган, кўпгина назарий масалаларни, жумладан, ижодий метод ҳақидаги қарашларини содда баён қилиб берган эди.

Союз олдида турган ташкилий-тарбиявий масалалар ҳусусида Горький қуйидагича амалий маслаҳатлар беради: «Менимча, союз ёзувчиларнинг профессионал фаровонликларини эмас, балки бутун адабиёт фаровонлигини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим. Союз қандайдир бир меъёрда бошловчи ёзувчилар армияси устидан раҳбарликни қўлга олиши, уларнинг кучини турли ишларга тақсимлаши, ўтмиш ва ҳозирги куннинг материаллари билан ишлашга ўргатиши керак».

Устознинг мана бу сўзлари барча покиза виждонли ижодкорларга қаратилган дил даъвати эди: «Олға ва чўққига, ўртоқлар, бу йўл фақат мамлакатимиз ва давримизнинг барча муносиб кишиларининг йўлидир... Биз жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган улкан вазифани бажаришга киришганмиз. Шунинг учун ҳам ишнинг муносиб иштирокчилари бўлайлик».

Горький адабиётни, ижод аҳлини юракдан севган киши эди. У талантли ижодкорларни авайлаш, уларга барча зарур шароитларни яратиб бериш, санъаткорлар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром, аҳилликни барқарор этиш учун муттасил қайғурар эди. Бу хислатлар съезд минбаридан айтилган қуйидаги сўзларда ҳам ёркин ифодасини топганди: «Ўртоқлар, мен сизларни ўқишга, худди жангчилар жанг майдонларида бир-бирларини қадрлагандек бир-бирингизни иззат-ҳурмат қилиш ва қадрлашга ҳамда тарих сизларни кўҳна дунё билан аёвсиз курашга чорлаб турган бир пайтда арзимаган нарса учун кучларингни бир-бирингизга қарши курашга сарф қилмасликка чақираман».

Катта ҳаёт мактабини ўтаган улуғ санъаткорнинг бу каби қимматли маслаҳатлари барча совет ёзувчилари каби ўзбек ёзувчиларига ҳамда янгидан ташкил топган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ишларини тўғри уюштириш ва йўлга солишда асосий йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилди. Шахсан ўзим ижодий фаолиятим давомида, кейинроқ Ёзувчилар союзининг биринчи секретари бўлиб ишлаган пайтларимда устоз сабоқларига доимо амал қилдим.

Ғафур ҒУЛОМ

УСТОЗ БИЛАН УЧРАШУВ

Бу воқеа 1934 йил июль ойи охири, август ойи бошларида бўлган эди. Москвадаги совет ёзувчиларининг Биринчи қурултойига биз, Ўзбекистондан бир группа ёзувчилар— Ғайратий, Ойдин, Назир Сафаров, Туйғун, Раҳмат Мажидий ва бошқалар делегат бўлиб бордик. Совет адабиёти тарихига биринчилиги билан ўчмас бўлиб ёзилган бу съездда Алексей Максимович Горький билан учрашдик. Биз бу учрашувни жуда кўп вақтдан буён орзу қилган эдик.

Кўпчилик делегатлар билан биз ўзбекистонлик ёзувчилар улуғ устознинг совет адабиётининг ривожланиши ҳақидаги сермазмун докладини тингладик. Унинг доно сўзлари мамлакатимизнинг ҳамма томонидан келган ёзувчиларда, меҳмонларда бир олам таассурот қолдирди.

Съезд ишларининг танаффус вақтларида биз Алексей Максимович Горький билан сўзлашдик. У миллий республикалардан келган ёзувчиларга алоҳида эътибор бериб, улар билан суҳбатлашар эди.

Съезд ишининг охирида — биринчи августда Максим Горький номига қўйилган самолётда Москва устида учдик. Бу совет давлатининг биринчи темир қанотларидан эди.

2 августда Алексей Максимович меҳмонларни Москва атрофига жойлашган боғига меҳмонга таклиф қилди. Мен, Ойдин, Туйғун боққа Алексей Масксимович билан дастурхон устида суҳбатга бордик. Басавлат, доно адиб биз ўзбек ёзувчиларидан съездда олган таассуротларимизни сўради. Кўп, яхши ёзишни таъкидлади. Биз унинг маслаҳатларини бажонидил қабул қилдик.

Устоз билан учрашув ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Мен ўша вақтдаёқ, ўзим учун ҳамон кечагидек хотирада сақланадиган «Янги ишқ» номли шеър ёзган эдим:

Мен зўр гурунгда бўлдим, жуда зўр гурунг —
Дунё бўйлаб йиғилган эди ошиқлар.
Устоз Горький кўтарилди юксак тоққа тенг,
Минбар оша янги ишқдан беради хабар.
Кўзимнинг қорачуғи, ўтли ёшлигим
Тўла мазмуни билан шеъримга кўчсин.
Ҳа, мени кучоғида ўстирган даврим,
Шу қадарли шеърлар шаънингга бўлсин.

1961 йил.

УЙҒУН

ЯРАТИШ ҚУДРАТИ

Ёзувчилар союзининг эллик йиллик умрига, фаолиятига, кураш ва яратувчилик қудрати жўш уриб турган тарихига назар ташласак, кўп ибратли тафсилотларга дуч келамиз. Ўзбек совет адибларининг илк уюшмаси «Қизил қалам» фаолияти... ТАП—Тошкент Ёзувчилари бирлашмасини ташкил этган ижодкорлар... «Попутчиклар...» 1934 йилдаги Ёзувчилар съездининг жуда катта ташкилотчилик ишларидан бири шуки, ана шундай майда-майда гуруҳларни, турли адибларни битта союзга бирлаштирди. Умумлашган катта ижодий иттифоқ пайдо бўлди. Бу, албатта, партиянинг оқилона тадбири эди. Союз тузилиши адабиётимиз тараққиётидаги улкан кўтарилишлар, ўсишлар сарчашмасидир.

Маълумки, илгари ҳамма ижодкорлар асосан шеъриятда ижод қиларди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, мен ҳам —барчамиз шоир эдик, носирлар деярли йўқ эди, Ҳамзанинг «Янги саодат» деган кичик бир романи бор эди холос, союз тузилгач, бизда ҳам проза, драматургия билан қатъий шуғулланувчи адиблар дунёга келди, ўзбек совет насри, драматургияси туғилди.

Ҳаётимизни кенг миқёсда кўрсатиш учун, шубҳасиз, прозаикларимиз, проза намуналари кўп бўлиши керак. Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг асарлари, ундан кейинги авлод прозаси, савиясидан, даражасидан қатъий назар, ана шу маънода ҳам эътиборлидир...

Шу кунларда мени қувонтираётган нарса союзимизга жуда кўп ёшларнинг қабул қилинишидир. Улар орасида шоири ҳам, носири ҳам, драманависи ҳам бор. Ахир, кексалар қиладиганини қилиб бўлди, асосан ишни энди ёшлар олиб бориши керак. Ҳозирда союзимизнинг 600 дан кўп аъзоси бор — бу жуда катта куч. Бу тафсилот адабиётимизнинг гуркираб ўсаётганидан, бундан-да юксак поғоналарга кўтарила олишидан дарак беради.

Эллик йил ичида адабиётимиздаги усуллар ҳам ўзгарди, ҳам ривожланди. Албатта, иш, ижод нуқсонсиз бўлмайди. Адашишлар бўлиши табиий. Айниқса, ёшлар адашиши мумкин: ана шунда танқидчилик ёки баъзи шошқалоқ ўртоқлар дарров сўйил кўтармасдан, хато қилган адибга аввало унинг нуқсонини яхшилаб тушунтириб, танбеҳ бериб, кейин уни меҳр билан тарбиялаши керак. Ижодкорни асраш ва тарбиялаш союзимизнинг, тажрибали, ёши улуғ адибларимизнинг асосий бурчи ва вазифасидир, мен шундай деб биламан.

Назир САФАРОВ

НУРЛИ ЙЎЛ

Совет Ёзувчиларининг тарихий I съезди чақирилган кунга 50 йил тўлди. Маълумки, асримиз бошларида Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар каби ўзбек маърифатпарвар-демократ шоирлари самарали ижод этдилар. Уларнинг изидан адабиёт майдонига кириб келган Ҳамза, Садриддин Айний, Сўфизода, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Нозимахоним каби сўз санъаткорлари халқ ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни қаламга олдилар, эрк ва озодлик ғояларини тараннум қилдилар. Аммо бу йилларда уларнинг асарлари газеталарнинг камлиги, халқнинг саводсизлиги учун ҳамма жойда бирдек кенг тарқалмаган эди.

Суронли инқилоб йилларида янги дунёнинг оташин куйчиси Ҳамза «Яша Шўро!» деб бонг урди. Ўнлаб инқилобий қўшиқларида Октябрь революцияси ғояларини куйлади ва халқ орасида фаол тарғиб қилди. Садриддин Айний «Байналминал марши», Абдулла Авлоний «Уйғон, миллат!» каби шеърлари билан унга жўр бўлди.

Зулм кишанларидан қутилган меҳнаткаш халқ янги дунё, янги тузум асосларини бунёд этишга астойдил киришди. Турмуш янги изга тушиб кетди. Дастлабки «Қўшчи» союзлари тузила бошланди. Аммо ҳали синфий кураш бутунлай тугаган эмас эди. Бу йилларда камбағал деҳқонлар, ишчилар, илғор зиёлилар мустаҳкам бир муштга айланган бўлса, буржуазия алоҳида синфни ташкил этар эди. Унга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим эди...

Шундай қилиб, 30-йилларнинг бошида адабий курашлар жараёнида чиниққан, ленинча маданий инқилоб самараларидан баҳра олган истеъдодли янги ижодкорлар авлоди етишиб чиқди. Булар қаторида Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Ғайратий, Миртемир, Ҳусайн Шамс каби ёниқ қалбли, қалами ўткир адиблар бор эди. Бу ижодкорлар М. Горький, В. Маяковский, Ҳамза каби совет адабиётининг улуғ асосчилари бошлаб берган инқилобий анъаналарга содиқ қолиб, янги турмушдаги ўсиш-ўзгаришларни илҳом билан, катта завқ-шавқ билан куйладилар ва бадиий ижодда халқчиллик, партиявийлик байроғини баланд кўтардилар...

Ниҳоят, биз орзиқиб кутган қувончли кун ҳам етиб келди. 1934 йил август ойида совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ I съездида қатнашиш учун Ўзбекистондан сайланган ўн делегат улуғ пойтахт —Москва шаҳрига йўл олдик. Съезд кунларида Ватанимизнинг ҳамма жойларидан келган юзлаб ёзувчилар билан учрашиб, дўстона суҳбатлар қурганим, улуғ Горькийни кўрганим, мазмундор докладларини тинглаганим — буларнинг ҳаммаси катта бир олам. Шу кунлардаги таассуротларим, ҳаяжонларимнинг чеки йўқ эди.

Съезддан олинган сабоқлар барча ёзувчилар учун, шахсан мен учун бир умрлик улкан дорилфунунга айланди десам муболаға бўлмайди.

● Мақолалар жузъий қисқартишлар билан босилмоқда.

Бутуниттифоқ ёзувчиларининг I съездидан кейин ўзбек адабиёти айниқса кенг ривожланиш босқичига кирди. Ижодкорлар сафи турли жанрларда қалам тебратадиган ёш истеъдодлар билан бойиди. Проза, поэзия, драматургияда даврнинг долзарб муаммоларини акс эттирувчи бадиий пухта асарлар пайдо бўлди. 50-йилларда олинган бу суратда ўзбек адибларидан бир гуруҳи акс этган.

Борис ПАРМУЗИН.

Жон аччиғидаги найранглар

(ПОВЕСТДАН ПАРЧА)



Сичёв, ҳар қалай, конвертни очди. Унда зич тахланган бир даста пулдан ташқари тўрт букланган бир варақ қоғоз ҳам бор экан. Жуда ҳам таниш дастхат. Тавба, Сичёв ўзгинаси ёзган дастхат-ку. Полиция бошқармаси назмияга йўлланган бу хатда у сиёсий воқеаларга аралашмасликка, мамлакатнинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишга ваъда берган эди. Ана шу қайд этилган ваъдаларнинг остига имзо чекилган, сана қўйилган.

Сичёв беихтиёр бурчакка қараб юрди. Илгари у ерда эски, аммо синашта кресло турарди. Қани энди ўша ўйнаб чиққан пружиналарнинг ғижирлаган таниш товушини эшитса, ботиб озор беришини туйса, эски кресло барҳам топган, Сичёвни янги бир муҳит ўраб олган эди.

1927 йилда содир бўлган воқеаларни тасаввур этиш унча қийин бўлмади.

Эртаси куни ўша «Исфиҳон»да тушлик қилиб қайтганидан сўнг уй эгаси кириб, жаноб Сичёвга уйида янги хизматкор пайдо бўлганини, жаноб Сичёв уни ўз измида тутиб, хоҳлаганича амр-фармойиш бериши мумкинлигини тантанали равишда маълум қилди.

Худди кеча кузатиб келган ҳамроҳига ўхшаган, кулранг паҳлавийча қалпоқ кийган одам ўзини Сичёвга таништирди.

— Менинг номим Жавод, муҳтарам жаноб.

— Биз танишмиз шекилли, — дея ишонч билан гап бошлади Сичёв.

— Жанобимиз янглишадилар, — деди тавозе билан хизматкор тикка қараб.

— Эҳтимол, — деди Сичёв бамайлихотир.

— Менга истаган масалангиз юзасидан мурожаат қилаверинг, — деди Жавод, сўзида давом этиб.

— Мен йигирма еттинчи йил ҳақида унча-мунча нарса биладиган биронта одам билан учрашишим керак. «Савдогарлар бойкоти» билан ўша воқеалар ҳақида гапириб берса, — деб муддаосини очиқ айта қолди Сичёв.

— Шу учрашувни эртага тайинласак сизга қулай бўладими! — деб сўради хизматкор. — Чунончи, кечки овқат устида. Қайси ресторанда учрашганингиз маъқул!

Сичёв саросимага тушиб, олазарак бўлиб қолди. Воқеаларнинг бу қадар суръат билан юришиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Хотиржам бўлинг, бизнинг сўзларимизни ҳеч ким эшитаётгани йўқ, — деди, унинг бундай саросимага тушганини нимагадир йўйган хизматкор.

— Дуруст, унда бундай қила қолсак бўлмаса, — Сичёв ўзини босиб олди. — Кечқуруи «Пари»да учрашамиз.

— Айтганларингиз ҳаммаси жобажо адо этилади, — деди таъзим қилиб хизматкор.

Эртасига Сичёв ўқимишли, вазмин, сермулоҳаза бир давлат арбоби билан кечки овқат устида учрашди.

Амалдор европача кийимда, ўзини сипо тутарди. У ҳеч қандай муҳим бир сирни айтгани йўқ, йигирма еттинчи йилда ҳукм сурган вазиятни холис таърифлаб берди.

Чунончи, март ойи. СССРнинг Эрондаги Мухтор вакили К. Юренев Эроннинг Хорижия вазирига баёнот топширган.

Амалдор ҳатто баёнотдан бир неча сатр келтирди:

«Мен Эронда зоҳир бўлаётган баъзи ҳатти-ҳаракатларга Эрон ҳукуматининг диққатини тортиш шарафига моликманки, булар СССР билан Эрон ўртасидаги савдо алоқаларини бузишга қаратилгандир».

Баёнотда шундай хатти-ҳаракатлардан бири мисол келтирилган. Совет «Бюроперс» транспорт жамиятининг Рашт-Пирбозор йўли бошқармасига топширилган юки ушлаб қолинган, қайиқчиларга эса совет хўжалик муассасаларининг молларини ташиш таъқиқлаб қўйилган.

Мартда совет чегарасидан ўтиш ҳоллари кўпайган. Бир неча бандалар Совет Озарбайжонининг аҳоли яшайдиган пунктларига ҳужум қилган. Масалан, 3 март куни етти кишидан иборат банда Жаброил уездига бостириб кириб, подачиларга ҳужум қилган, бир неча туяни тортиб олган. 7 март куни худди ўша уездда қуролланган банда бир неча бош йирик шохли қорамол ва отни ҳайдаб кетган. Пирбандли деган форслар қишлоғидан келган Алхаз Фатхулла ўғли, Нажжорхон Муҳаррам ўғли каби бандитлар фаол иш кўрганлар. Папоқбек ўғли, Азиз Муҳаммад ўғли бошчилигидаги бандалар совет аҳолисига зарар етказган.

Июнь... Эронга мансуб казакларнинг 35 кишидан иборат отряди Ҳасанқули районида совет чегарасидан ўтган. Отряд маҳаллий аҳолини талаб, омборларда сақлаб қўйилган буғдой ва арпаларни олиб кетган.

Энди «савдогарлар бойкоти» ҳақида.

1927 йилнинг бошларида Теҳронда «Иқтисодий ҳужум жамияти» ташкил этилган. Жамият совет молларини бойкот қилиш йўли билан совет савдо ташкилотларига қарши курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундай жамиятлар Эроннинг кўпгина вилоятларида барпо этилган.

— Уларнинг программаси қандай эди! — деб сўради Сичёв.

— Программаси! — деб сўради амалдор ҳам. — Программа нима қилади! Очиқдан-очиқ бойкот-да. «Жамият»лар кучлигина эди. Улар... — деб чайналди амалдор, — улар шўролар билан савдогарларга нисбатан жазо чораларини қўллашга қодир эди.

— Батафсилроқ айтиб беролмайсизми!

— Бажонидил. Чунончи, Гилонда бўлган воқеани олиб кўрайлик. Боку ярмаркасида иштирок этган савдогарларга тазйиқ кўрсатишди, — амалдор Уэйсга тақлид қилибми, у кеча кўрсатган имо-ишорани такрорлади. — Бу тўғрида газеталарда ҳам ёзилган эди.

— Бойкотдан ҳамма савдогарлар ҳам манфаатдормиди!— деб сўради Сичёв ва қўшимча қилиб қўйди: — Бу ҳақда аниқ, холис фикр эшитишим жуда муҳим.

— Э-ҳа! — дея хўрсиниб қўйди амалдор. — Юқоридагилар манфаатдор эди. Шўролар иқтисодини қўпориш учун илк қадам қўйиш нечоғли аҳамиятга моликлигини майда ва ўртаҳол савдогарлар тушунмас эдилар. — Амалдор, чаласавод одамлар нимани билардн, дегандек бош чайқаб қўйди.

— Уларнинг муддаосини тушуниш мумкин, — савдо-сотиқларини юргазиб туришлари керак бўлган-ку, — деди Сичёв, хотиржам кўринишга тиришиб.

— Шундай,— деб маъқуллади амалдор ва беандишалик билан қўшиб қўйди, — акс ҳолда, очликдан ҳаром қотишлари мумкин эди.

— Советлар яхши ҳақ тўлармиди!

— Ҳа, чакки ҳақ тўламасди.

В. Рўзиматов таржимаси.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Бизга ёдгор бу дунё

ОТА

Қирқ биринчи йиллар. Гавжум хонадон.
Болалар тўпланса — бўлар бир кўча:
Барига кийим-бош, иссиқ сўз ва нон...
Ҳар куни қайнайди бир қозон гўжа.

Жўхори ҳам тугар. Супра юқидан
Атала қайнатар она гиргиттон.
Янги тўнни олиб уй равоқидан,
Ота бозор чиқиб кетади пинҳон.
Қайтар, белбоғида ун, оқ лавлаги,
Қизларга беш чайнам сап-сариқ сақич.
Томоша қилар ёш ювиб иягин,
Уйга сиғмай қолар байраму севинч.
Фотиҳадан кейин қўяр патефон.
Бобораҳим қўшиқ айтар оҳ уриб.
Чинордай тебраниб тинглар отажон,
Ҳорғин танасига кўклам югуриб...
Ёзда пахса урди иморатларга,
Гулларга, ҳақ сўзга бўлди ҳаводор.
Учмади хушомад мурувватларга,
Ҳалол меҳнатига қолди вафодор.
«Бобораҳим айтган қўшиқ баҳоси
500 сўм, — дедилар, — бўлиб харидор».
— Одамзод сотарми юрак дунёсин,
Дил мулкин нархламоқ эркак учун ор!
Ойининг ҳам ўнбеши бўлар-ку ёруғ.
Яхши кунларгача етолсак омон,
Ҳали тўйлар бўлар элда хушдоврук,
Жужуқлар бахтига келар бир замон!
Ғалаба келади туздай татимли!
Дил тўлиб, солланиб чорпояларда
Мириқиб тинглаймиз Бобораҳимни!
Ўшанда бол томиб ҳикоялардан...
44-йилнинг анжир пишиғи.
Узум уза туриб, узилди у жон.
Бобораҳим айтди маҳзун қўшиғин,
Ўғлидай оҳ тортди эски патефон.
Ҳаётбахш шарбати тугамай, бевақт
Ота ток зангидай кирди тупроққа.
Уруш бўронлари йиқитган дарахт
Беш қиз тақдирида айланди боққа.

БОҒ

Унутмас мени боғим...
Усмон НОСИР

Ой шом эди. Зил зулмат
Ичра чўкди чаман-боғ.
Бир оҳ тортди табиат,
Гул қатига тушди доғ.
— Ой, шошмагил, бу боғни
Ишонурсан кимларга!
Қийил жони титроқли
Гулпараст насимларга.
Капалаклар бол эмган
Атиргулга боқиб лол,
Маҳзун хаёлга чўмган
Чинорлардан сўра ҳол.
Ҳар баргини кўзга суриб,
Айтганча арзи видо,
Саҳарда қон тупуриб,
Йўқотди сени дунё...
Эй, сен соҳиби илҳом,
Оташнафас эрка соз,
Боғингда кез бу айём —
Кўрсатиб меҳру ниёз...
Ким ҳавас, деб сўз битар,
Ким ризқу рўз, нон учун
Тилдан қолсин шеър, агар
Курашмас имон учун!
Ёнмоқ на хуш, нек байрам,
Эй, чақмоқ урган юрак,
Сўз аршида бугун ҳам
Балқи, мажнун — камалак.
Тиғиз ҳосилга кирмиш,
Сен ўтқазган дарахтлар.
Сархил мевалар термиш,
Сенга шогирд-фарзандлар.
Юзинг ёруғ, кулиб боқ
Қадр топган шон учун.
Унутмабди сени Боғ
Она юрт — боғбон учун!

Муҳаммад СОЛИҲ

ИҚРОР

Ҳаяжонга солмас шуҳрат висоли.
Етар.
Бир бор унга нигоҳ солганман.
Байроқни яширган жангчи мисоли
Умидни ўмганга боғлаб олганман.
Йўқ, хафа эмасман моддий дунёдан,
Мен унга ҳеч қачон келолмайман тенг.
Чиройли қиёс йўқ. Менинг ҳаётим —
Узоқ, жуда узоқ шимарилган енг.

МАҚТОВ

Мен сизни доимо мақтагим келар,
Кўкларга кўтаргим келади доим.
Афсуски, мен севган одамим билан
Суҳбатга нуноқман, шудир хатоим.
Сиз менга азизсиз. Мақтамайман йўқ.
Мен кўкка кўтарган одамлар мингта.
Сизга нима даркор одам тўла кўк,
Келинг, ўлтирайлик овлоқ заминда...

ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ОДАМ

Менда ниначалик гина йўқ,
Кечирдим ҳаммани, кечирдим.
Хотиржамман — энди кўнглим тўқ,
Кўнглимга мен заҳар ичирдим.
Сиз ўйлаган одамман, мана,
Фариштаман, сиз тахмин қилган—
Ҳар бир сўзим куракда турар
Ва сиғажак ҳар бир ақлга.
Кайфиятим аълодир, аъло,
Чиққан каби хастахонадан.
Сўзлаганда, сўзлайман гўё
Туғилгандай ҳозир онадан...

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР!
104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИГА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН

1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8—10 ЙИЛЛИК МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА 1—3 ЙИЛЛИК МУДДАТГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **электромонтёр, электромонтажчи, бухгалтерия ҳисобчилари-ҳисоблаш машинаси оператори, контроль-ўлчов асбобларини ремонт қилувчи слесарь, иссиқлик асбоб-ускуналарини созловчи-слесарь, химия анализи бўйича лаборант, монтёр-алоқачи, кабелларни пайвандловчи, электр-пайвандчи, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь.**

8-синф маълумоти билан қабул қилинган ўқувчилар бепул иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан қабул қилинган ўқувчиларга ойига 30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртида барча шарт-шароитлар мавжуд: бадиий ҳаваскорлик тўгараги, спорт секциялари, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган ўқув кабинетлари, замонавий ётоқхона ўқувчилар хизматида бўлади.

Барча ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент пул мукофоти берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар олий ўқув юртларига киришда махсус имтиёзларга эга бўладилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат медицина справкаси (086/У формаси), турар жойидан справка, 3 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

Чақирув қоғози ёки ҳарбий билет.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси. Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 612, 626, 318.

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси
С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 9-ШАҲАР ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЛИНОТИПИСТ, ҲАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТНИК ВА МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15-18 ЁШДАГИ 8-10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати 1 йил бўлиб, 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади-лар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Зарурий ҳолларда ётоқхона берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириш-лари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—1985 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИКУВЧИ-МОТОРИСТЛАР, ТИКУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-СОЗЛОВЧИЛАР, БЎЁҚЧИЛАР.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга 3 йиллик группаларга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал иссиқ овқат, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар ва танлаган мутахассисликлари бўйича диплом ва тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

Билим юртида ҳар хил тўгараклар: спорт тўгараги, фото тўгарак, халқ чолғу ансамбли ва вокал-чолғу ансамблари ташкил этилган.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиғи тўғрисидаги справка, турар жойидан справка, 6 дона 3 х 4 см. ҳажмдаги фотосурат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт.

ҲУЖЖАТЛАР ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Собир Раҳимов кўчаси 313-уй (2, 7-троллейбуслар ва 107, 108, 125-автобусларнинг «Красноармейская кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автокранчи («С» категорияли ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга 3-класс), **автомашиналар ремонти бўйича слесарь, бульдозер машинисти, скрепер машинисти, прицепли грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник, электрокара ҳайдовчиси:**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида мажбурий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Слесарь-сантехник, дурадгор (ўқиш муддати 1 йил) **ихтисослари бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. Бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.**

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар кунига 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларнинг ҳаммаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома), характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48-автобуслар; 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

216-ШАҲАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПЎЛАТ ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА МОНТАЖЧИ, ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОР, ДУРАДГОР, ҚЎЛДА ПАЙВАНДЛОВЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ҚУРИЛИШ БЎЁҚЧИСИ, МИКРОСХЕМАЛАР МОНТАЖЧИСИ.

Ўқиш муддати — 8 синфни битирганлар учун 3 йил, 10 синфни битирганлар учун 1 йилу 6 ой.

Ўқишга 8—10 синфларни битирган йигит-қизлар таклиф қилинади.

Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

8-синфни битирган ўқувчилар озиқ-овқат, кийим-бош, махсус кийим билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар 30 сўм миқдорида билим юрти бюджетидан стипендия ва ишлаб чиқаришдан 40 сўм миқдорида иш ҳақи оладилар. Бундан ташқари ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасини ўтаётганида иш ҳақининг 50 процента миқдорида маош тўланади.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ва билим юртини тугатганлиги ҳақида диплом оладилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига ҳисобланади.

Билим юртида техника ижоди, тасвирий санъат, фотоҳаваскорлик тўгараклари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, дзюдо, самбо, классик ва эркин кураш бўйича спорт секциялари, шунингдек спорт-техника секциялари бор.

Билим юртида талабалар учун машина ҳайдашни ўргатиш бўйича 6 ойлик курслар мавжуд бўлиб, ўқувчиларга «В» ва «С» категориялари берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар умумий таълим мактабларини олтин медаль билан битирганлар учун белгиланган имтиёзли шартларда олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар жойдан ва саломатлиги тўғрисида справкалар, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат топширадилар.

АРИЗАЛАР — ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А-4 (25, 28, 29-трамвайларнинг охирги бекати).

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
А. А. ҲЎЖАЕВ НОМИДАГИ 63-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОРЛАР, БЎЁҚЧИЛАР (қурилиш бўйича), ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, СУВОҚЧИ-ГАНЧ УЙМАКОР УСТАЛАРИ, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР.

Ўқиш муддати 6 ой ва 3 йил.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ БЎЛГАН ГРУППАЛАРГА 10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик группаларга 8 синфни тамомлаган ёшлар қабул қилинади. Улар билим юртида ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

6 ой ўқийдиган группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 72 сўм миқдорида стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юрти спорт базасида 13 та спорт секцияси, шунингдек техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари доимий ишлаб туради.

Бошқа областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: 700131, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, 26-квартал, М. Шайхзода кўчаси (4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлиника» бекати, 3, 18, 29, 54-автобусларнинг «12-квартал» бекати). Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
14-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ҚЎЛДА ПАЙВАНДЛАШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИ, ФРЕЗЕРЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР, МЕТАЛЛАРГА СОВУҚ ҲОЛДА ҚИРҚИБ ИШЛОВ БЕРИШ БЎЙИЧА ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ОТК КОНТРОЛЁРИ, ПРЕССЛОВЧИ-ШТАМПОВКАЧИ, МАШИНАДА КОНТАКТЛИ ПАЙВАНДЛАШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ.

Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиганларга ҳунар-техника билим юртини тугатганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганларга бепул кийим-бош (иш кийими ва дам олишда кийиладиган кийим), уч маҳал иссиқ овқат берилади. Ўрта маълумотлиларга эса ҳар ойда 72 сўмдан стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Бошқа шаҳарликлар секция типидаги ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар мажбурий ишлаб беришни ўтамай олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар.

Билим юртида техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик, фототўгарак, спорт секциялари ишлайди. Чорвоқ посёлкаси районида ўқувчиларнинг ёзги дам олиш базаси мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, соғлиғи тўғрисида справка, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, **Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700050, Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «14-билим юрти» бекати).

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚЕЧКИ БЎЛИМГА
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САМОЛЁТСОЗЛИК, МЕТАЛЛАРНИ ҚИРҚИБ ИШЛАШ, МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ.

ТЕХНИКУМГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари — 21 сентябргача математика (оғзаки), **она тили** (ёзма)**дан ўтказилади.**

ТЕХНИКУМ ЁТОҚХОНАГА ЭГА ЭМАС ВА ПРОПИСКА БИЛАН ТАЪМИНЛАМАЙДИ.

Ҳамма саволлар бўйича тўлиқ справкаларни техникумнинг 1-қавати, 111-аудиториясида жойлашган қабул комиссиясидан билиб олиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй (5, 7, 12, 133-автобуслар; 2, 3, 4, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Куйбишев кўчаси» бекати). Телефон 33-89-22.

ЯНГИЛИК!

КАФОЛОТ МУДДАТИ 3 ЙИЛ!



«ВЕГА-323-СТЕРЕО» — мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энг ишончли радиоладир. Унинг кафолотли муддати 3 йилгача узайтирилган. Бердск радио заводи коллективининг корхона техника даражасини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича олиб бораётган жиддий иши туфайли бундай ютуққа эришилди.

Радиола 5 та диапазон тўлқиндаги станциялар эшиттиришларини, стереофоник программали ҳар қандай замонавий грампластинкаларни тиниқ овоз билан эшиттира олади.

Радиола баҳоси — 178 сўм.

ЭНГ ИШОНЧЛИ!

Мамлакатимизда ҳар бир иккинчи юксак сифатли электрофон Бердск радио заводида тайёрлаб чиқарилмоқда.

«ВЕГА-108-СТЕРЕО» — мамлакатимиздаги энг яхши электрофонлардан бири. У ўзининг овози қудратлилиги, электроироигреватель қурилмасининг Польша халқ республикасида ишлаб чиқарилган аъло даражада ўрнатилганлиги ва замонавий безакланганлиги билан ажралиб туради.

Электрофон «ВЕГА-108-стерео»нинг кафолотли муддати 3 йил.

Электрофон баҳоси — 345 сўм.

ТВ

20 АВГУСТ

● МТ I

17.05 Болалар учун фильм. «Павел аралашмоқда». 1- ва 2-сериялар (ЧССР).
18.00 «Ярослав Галан». Телефильм.
18.30 Ўзбекистон бадиий коллективларининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
18.45 «Ишлар ва одамлар». «Ўз ишининг устасини тарбиялаш». Эстония ССР енгил саноат корхоналарида касб-ҳунар маҳоратини ошириш бўйича иш тажрибасидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.45 «Виждоннинг вариантлари йўқ». Ғ. Камол номидаги Ленин орденли Татаристон Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — Т. Миннуллин.
21.30 «Время».
22.05 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Бадиий гимнастика. Сувга сакраш. Стендга отиш. Сузиш.
23.30 «Экран куйлари». Ленинград Давлат концерт оркестри ижро этади.
00.05 «Дунё воқеалари».
00.20 «Мусобақалар кундалиги».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Верховина» ансамблининг концерти. Львовдан олиб кўрсатилади.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Бургут каби парвоз этинг, лочинлар». Бадиий фильм.
23.25 «Порох ва ўқ сатрлари». Ҳужжатли фильм премьераси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
18.50 «Акваланг ва ластлар». Телефильм.
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Спорт ҳақида уч ҳикоя». Ҳужжатли фильм.
20.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Рассомлар — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари асарлари. Ўзбекистон Рассомлар Союзи кўргазма залидан репортаж (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Мақбет». К. Молчанов мусиқасига ёзилган балет. Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг солистлари ижро этадилар.
23.55 Янгиликлар.

21 АВГУСТ

● МТ I

18.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Сузиш. Мерганлик. Велоспорт.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Флот адмирали». Совет Иттифоқи Флоти адмирали И. С. Исаков ҳақида телеочерк.
20.00 «Сиз яратган боғ».
20.35 «Жак Оффенбах». Уч сериялы телевизион бадиий фильм. 1-серия (Франция).
21.30 «Время».
22.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Сузиш.
23.00 «Даврани кенг олинг». Мусиқали кўрсатув.
23.55 «Дунё воқеалари».
00.10 «Мусобақалар кундалиги».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 РСФСР халқ артисти Р. Кереф ҳамда МТ ва БР Катта симфоник оркестрининг концерти.
20.20 «Фан ва техника». Киножурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Латвия ССР Давлат академик хорининг концерти.
21.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
21.30 «Время».
22.00 «Яшил чақмоқлар». Бадиий фильм.
23.25 Москванинг А. С. Пушкин номи билан боғлиқ диққатга сазовор жойлари ҳақида кўрсатув.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Пионерлар мамлакатида».
19.00 «Ишга тушириладиган қурилишлар — ўз муддатида». Янги Қўқон химия заводи (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Тошкент электрон-техника заводи халқ рақс ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Тошкент электрон-техника заводи халқ рақс ансамблининг концерти (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Йиғим-терим техникаси мавсумга шай бўлсин».
22.25 «Камера фош этади». Кўрсатувни Ўзбекистон телевидениесининг сиёсий шарҳловчиси Т. Қоратоев олиб боради.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.05 МТ II
18.30 Кўрсатувлар программаси.
18.35 «Левеневскийнинг «номаълум квадрати». Ҳужжатли фильм.
18.55 «Зиковлар». Телеспектакль. 2-қисм. (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «СССР халқ артисти А. Соловяненко». Фильм-концерт.
21.10 «Ихтирочи». Телефильм.
21.30 МТ II

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/VIII да **Отелло**, 21/VIII да **Келиндар қўзғолони** (19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 22/VIII да «ИНТЕРЦИРК-84» ЧЕТ ЭЛ АРТИСТЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ (19.30).

кино

20 АВГУСТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧАНГАЛЗОРЛАР ҚИРОЛИ» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«БЛЕФ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«АЙБЛАШ» — **Хива** (21.20, телефон 32-78-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ИМКОНИЯТ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

21, 22 АВГУСТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧАНГАЛЗОРЛАР ҚИРОЛИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«БЛЕФ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«АЙБЛАШ» — **Хива** (21.20, телефон 32-78-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ИМКОНИЯТ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов райони, 243-ўрта мактаб томонидан **Саибова Лайло Тохтабековна** номига берилган 554848 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

20 АВГУСТ, 1984 й.

Р—13886. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12